

# Қуръони каримнинг одамларга таъсири



15:55 / 28.12.2019 2575

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада ўз даъватларини давом эттирар эдилар. У зотнинг Қуръон тиловат қилишларининг ўзи кучли даъват эди, чунки тиловатни эшитган одам ўзи билмаган ҳолда унга мафтун бўлиб қоларди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримни тиловат қилганларида, Қурайшнинг бошлиқлари ҳам тинглашар, лекин ундан таъсирланиб қолмаслик учун турли чораларни кўришга, сунъий тўсиқлар пайдо қилишга уринишар эди.

Бу ҳақда энг машҳур Ислом тарихчиларидан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ҳақидаги дастлабки китоблардан бирининг соҳиби Ибн Исҳоқ имом Зухрийдан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Иттифоқо, бир кечада Абу Суфён ибн Ҳарб, Абу Жаҳл ибн Ҳишом ва Бану Зухра қабиласининг иттифоқчи раҳбари Ахнас ибн Шариклар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз уйларида намоз ўқиётганларида қулоқ солиш учун чиқишибди. Улардан ҳар бири алоҳида-алоҳида ўтириб, тинглабди. Бир-биридан хабари йўқ экан.

Кечаси билан у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ солиб, тонг отганда тарқалишибди. Йўлда учрашиб қолиб, бир-бирларини маломат қилишибди. Бир-бирларига: «Энди бошқа келмайлик, эсипаст одамларимиз

кўриб қолишса, кўнгилларига баъзи шубҳалар тушишига сабаб бўламиз», дейишибди-да, тарқалиб кетишибди.

Иккинчи кеча улардан ҳар бири яна келиб, кечаси билан (Қуръон) эшитиб чиқибди. Тонг отганда қайтиб кетаётиб, йўлда учрашиб қолишибди ва яна бир-бирларига аввалги гапларни айтишибди.

Учинчи кеча ҳам келиб, тунни билан (Қуръон) эшитиб чиқишибди. Тонг отгач қайтиб кетаётганларида, яна аввалги ҳол такрорланибди. Бир-бирларига: «Қайтиб келмасликка аҳд қилмагунимизча тарқалмаймиз», дейишибди. Сўнг аҳдлашиб, тарқалиб кетишибди.

Кундузи Ахнас ҳассасини қўлига олиб, олдин Абу Суфён ибн Ҳарбнинг, сўнг Абу Жаҳлнинг уйига борибди ва Абу Жаҳлга: «Эй Абул Ҳакам, Муҳаммаддан эшитганларинг ҳақида фикринг қандай?» дебди. Абу Жаҳл: «Нима ҳам эшитибман? Биз Бану Абдуманоф билан шараф талашганмиз. Улар ҳам кишиларга таом беришган, биз ҳам берганмиз. Улар улов беришди, биз ҳам улов бердик. Улар хайр-эҳсон беришди, биз ҳам бердик. Ниҳоят, тиз тушиб, пойгага қўйилган икки отдек бўлиб қолди. Шунда улар: «Биздан пайғамбар чиқди, унга осмондан ваҳий келади», дейишди. «Биз бунга қачон етамиз? Аллоҳга қасамки, биз ҳеч қачон унга иймон ҳам келтирмаймиз, уни тасдиқ ҳам қилмаймиз», деди. Ахнас унинг олдидан туриб кетди».

Мутаассиблик ва мансабпарастликкина уларни иймонга келишдан тўсиб турарди. Лекин аста-секинлик билан бўлса ҳам баъзи бир кишилар ҳақиқатни англаб ета бошладилар.

**«Ислом тарихи» биринчи китоб**